

**ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ХАМДА УНИНГ СИЁСИЙ
ЖИХАТДАН РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ, ШУНИНГДЕК ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИГА ТАЪСИРИ ВА АХАМИЯТИ**

Алимов Абробек Равшанбек ўғли

XX аср охирига келиб, узок тарихий босқичга эга бўлган туркий давлатларнинг бирлашган холатда халқаро муносабатларга кириша олиши, хамда собиқ совет давлатининг парчаланиши Осиё ва қисман Европа қисмида яшовчи мустақил Туркий тилли давлатларнинг бирлашув жараёнига сабабчи бўлди. Шу туфайли мазкур давлатларнинг юқори элитаси томонидан, ўз суверинитетини сақлаб қолган холда ижтимоий-иктисодий масалалар юзасидан хамкорлик ташкилоти тузиш ғояси пайдо бўлди.

Собиқ совет иттилоғининг тузилган даврдан аниқроғи XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб то 1991 йилгача ер саййорасида Туркия Республикаси дунёдаги ягона мустақил ва халқаро миқёсда тан олинган туркийзабон давлат эди. Бу эса Туркияning халқаро майдонда муносиб хамкор билан фаолият олиб боришига тўсқинлик қиласади. Тарихий фактлардан маълумки хар бир халқ ва давлат ўзига маданий жихатдан яқин бўлган бошқа бир давлатлар билан муносабатларга киришиб келиши ўзига хос халқаро одат тусига айланган эди.

Ундан ташқари ушбу даврга келиб совук урушнинг тугаши хамда “уч кутубли дунё” атамасининг яралиши туркий тилли давлатларнинг интеграциялашув жараёнини янада тезлаштиришига сабабчи бўлди.

Айнан юқорида келтирилган омиллар туфайли 1992-йил 30-октабрда Туркия Республикасининг ўша вақтдаги президенти Тургут Ўзал ушбу ташкилотни тузиш бўйича дастлабки ғояларни бериб ўтди. Бунинг асосий сабаби бу даврга келиб фақатгина Ўзалининг дунё миқёсига эга раҳбар сифатида тан олиниши эди. Эндиғина мустақиликкни қўлга киритган бир қанча туркий давлатлар унинг ташабbusларини қўллаб кувватлашди. Туркия Республикасининг Анқара шаҳрида Туркий тилли давлатларнинг биринчи саммити бўлиб ўтди, унда Туркия Республики раҳбари Тургут Ўзал, Озарбайжон раҳбари Абулфаз Елчибей, Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов, Қозогистон Республикаси президенти Нурсултон Назарбайев, Туркманистон Президенти Сапармурот Ниязов, Қирғиз Республикаси Президенти Асқар Акайевлар иштирок етди. Саммит иштирокчи давлатлар келгуси истиқболли режала хусусида фик алмашинишиб, сиёсий ва иқтисодий бирлик ўрнатилишини эълон қилишди.

Ушбу саммит туркий тилли давлатларнинг бирлашувининг дастлабки дебочаси эди. Шундан сўнг 1993-йил 12-июлда Қозогистоннинг ўша вақтдаги пойтакти Олмаота шаҳрида Халқаро туркий маданият ташкилотини тузиш тўғрисида шартнома имзоланди. Маданий жихатдан бирлашув муҳим хисобланарди, бироқ ижтимоий иқтисодий масалаларнинг ўрнига ушбу масалада яқдиллик ушбу ташкилотнинг кейинги йигирма йиллиқдаги мавқейини муҳим бўлмаслигига сабабчи

бўлди. Авваламбор айнан маданий жихатдан бирлашувинг бир қанча жихатлари мавжуд эди, хусусан ушбу миллатларнинг узоқ тарихий илдизга эга эканлиги, шунингдек ташкилотяниги тузилган даврда аъзо давлатларни нисбатан ривожланмаганлиги хамда хамон совет давридаги қарашларнинг мавжудлигига эканлигига эди. Манашу сабали кенг кўламли ташкилотни тузиш мақсади амалга ошмади.

XX асрнинг охирларидан бошлаб мустакил туркий давлатларни бирлаштирган халқаро сиёсий ташкилот тузиш ҳақида фаол баҳс-мунозаралар олиб борилди. Ўзбекистон ва Туркманистон хукуматлари ушбу ташкилотни тузиш жараёнларига нейтрал холатда бўлишди. Туркия, Озарбайжон ва Қозогистон эса фаол тартибда 2000 йилларнинг ўрталарига қадар ташкилот тузиш бўйича кенг кўламли ишларни олиб боришган.

Ванихоят 2009-йил 3-октабрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Озарбайжон, Қозогистон, Қирғизистон ва Туркия президентлари ўртасида Нахичеван шартномаси имзоланди, унга кўра “Туркий кенгаш” халқаро ташкилоти расман ташкил етилди. Ташкилот таркибига 6 туркий давлатдан 4 таси кирган.

Машхур сиёсий арбоб, Халил Акинжин фикрича “Туркий Кенгаш тарихдаги биринчи туркий давлатларнинг ихтиёрий иттифоқига айланганидир”.

Гурбангули Бердимухамедов бошчилигидаги Туркманистон БМТ томонидан тан олинган нейтрал мақомига ишора қилиб, аъзоликдан бош тортди. Аҳоли сони бўйича иккинчи туркий давлат Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси эса Туркия билан юзага келган совуқчилик муносабатлари сабабли ушбу ташкилотнинг яратилиши ва фаолият юритишига оид тадбирларда иштирок этмади.

Дунёдаги бошқа ташкилотлар сингари машкур кенгаш хам ўз байроғини қабул қилиши унинг дунёда бошқа ўзи каби ташкилотларнинг тенг мавқеда кўринишга замин яратарди. 2012-йилда “Туркий кенгаш” ўз байроғини қабул қилди. Ушбу байроғда Туркия, Қозогистон, Қирғизистон ва Озарбайжоннинг давлат рамзлари акс этганди. Хозирги кунга келиб хам ушбу рамзлар сақланиб қолганлиги ташкилотнинг ўз негизига содиқлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий хокимиятига Ш.М.Мирзиёев келганидан сўнгина аниқроғи 2016 йилдан бошлаб Ўзбекитоннинг Туркия ва бошқа туркий давлатлар ўртасида ўзаро савдо иқтисодий алоқалар тикланди. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари Ўзбекитоннинг туркий тили давлатлар билан интеграциялашув жараёнларини тезлаштириди. 2018-йил 30-апрел куни Ўзбекистон Туркий кенгашга аъзо бўлиши ва ташкилотнинг Бишкеқда бўлиб ўтадиган саммитида иштирок етиши маълум қилинган еди. Ўзбекитон Республикаси хукумати илк бора ушбу саммитда иштирок этди хамад бир қанча манбаатли шартномалар тузишга эришди. Ушбу саммит якунланганидан сўнг Ўзбекистон томонидан ўз ташки сиёсатини Туркий тили давлатлар билан олиб бориш мухим ахамият касб этиши аён бўлди. Бунинг асосий сабаби қуйидагилар:

Биринчидан, Глобаллашув жараёнида дунё давлатларининг ўз иттифоқчига эга бўлиши яккаланаб қолаётган Ўзбекистон учун хам иттифоқдош топиш заруриятини юзага келтирганди.

Иккинчидан, бошқа ташкилотлардан фарқли ўлароқ “Туркий кенгаш” дини, эътиқоди, маданияти хамда ижтимоий хаёти жихатидан Ўзбекистонга яқин эди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг географик жойлашуви хамда бевосита чегаралари Туркий Тилли давлатларнинг худуди билан ёндошлиги, фаол иқтисодий-сиёсат юргизиш учун қулай шароит хисобланарди.

Тўртинчидан ушбу кенгашаъзоларининг деярли барчаси Ўзбекистон билан бир хил иқтисодий-сиёсий мақомда эди.

Айнан ушбу сабаблар туфайли 2019-йил 12-сентабр қуни Кенгашга аъзолик учун ариза расман топширилган. Қарийб ахолиси 33.000.000 (ўттиз уч миллион) дан зиёд ахолига эга Ўзбекистоннинг ушбу кенгашга аъзо бўлиши унинг ахамияти хамда халқаро майдондаги ўрни юксалишига сабабчи бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг икл бор аъзо сифатида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашида қатнашиш жараёни 2019-йил октябр ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган VII саммитда кузатилди Саммитда Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Ердўғон, Озарбайжон Президенти Илҳом Алийев, Қирғизистоннинг собиқ президенти Сооронбай Жеенбеков, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Қозогистоннинг собиқ президенти Нурсултон Назарбайев, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок етди.

“Covid2019” пандемиясининг юзага келиши кенгашнинг янада бирлашуви хамда оғир шароитда елкама-елка холатда фаолият кўрсатишига олиб келди . Шу мақсадда 2020-йил апрел ойида Озарбайжон Президенти Илҳом Алийев ташабbusи билан Туркий Кенгашнинг коронавирус пандемиясига қарши курашга бағишиланган фавқулодда саммити видеоконференсия орқали бўлиб ўтди. Бу эса ўз навбатида ҳамкор ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини янги босқичга олиб чиқди.

2021-йил 12-ноябр қуни Истанбулда бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг XXXX саммитида Туркия президенти Ражаб Тоййиб Ердўғон Туркий кенгаш номи “Туркий давлатлар ташкилоти” деб ўзгартирилганини маълум қилди. Кенгашнинг ташкилот сифатида ўзгартирилиши халқаро миқёсда мухим хабар сифатида эътироф этилишига сабабчи бўлди. Ушбу саммит бир қанча мухим янгиликлар билан қарши олинди хусусан Туркманистон Туркий Давлатлар Ташкилотига кузатувчи мақоми билан аъзоликка қабул қилинди.

Тахлилчилар томонидан илгари сурилаётган фикрларга мувофиқ яқин келажакда Туркманистон ва Венгрия ташкилотга қўшилиши ва расман аъзо сифатида харакатланиш эҳтимоли юқори баҳоланмоқда. мумкин

Хозирги кунга келиб “Туркий давлатлар ташкилоти” жаҳон миқёсида кенг кўламли ташкилотлар қаторидан жой олмоқда. Бунинг асосий сабаби аъзо давлатларнинг ахолиси демографик жихатдан ўсиб бораётганлиги хамда, ушбу тузилманинг табий захиралари ва иқтисодий кудрати яқин йилларда ривожланган давлатлар сипасига кириб бораётганидадир.



ФОЙДАЛИНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини ташкил етиш түғрисидаги Нахичеван келишүв”и 03.10.2009
2. “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгashi номини “Туркий давлатлар ташкилоти” деб ўзгартириш түғрисида”ги қарор; 2021
3. https://ru.wikipedia.org/wiki/Организация_тюркских_государств